



ТЕХНИК МУТАХАССИСЛИК МАГИСТРЛАРНИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Абелкосимова Мухаррам Хамидовна

Наманган муҳандислик қурилиш институти “Фойдали қазилмалар ва қайта ишлаш технологиялари” кафедраси ўқитувчиси,

E-mail: muharramabelkosimova@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7976916>

ARTICLE INFO

Received: 18th May 2023

Accepted: 26th May 2023

Online: 27th May 2023

KEY WORDS

Модель, магистратура, мотивацион-мақсадли, мазмунли-технологик, диагностик-баҳоловчи, натижавий.

ABSTRACT

Мақолада техник мутахассислик магистраларни илмий-тадқиқот фаолиятга тайёргарлигини шакллантиришнинг педагогик моделининг мазмун ва мақсади келтирилган. Модель қўйидаги компоненталарни ўз ичига олади: мотивацион-мақсадли, мазмунли-технологик, диагностик-баҳоловчи, натижавий.

Республикамизда мустақиллик йиллардан бошлаб таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган ва маълум даражада ютуқларга эришилган. Жумладан, икки босқичли олий таълим тизимини жорий этиш, давлат таълим стандартларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқилгани, олий таълимдан кейинги таълимда икки поғонали илмий даражаларни(PhD ва DSc) тадбиқ этилгани ва бошқалар Аммо ютуқлар билан бирга, айрим камчиликлар борлиги таълим тизимида кўзланган мақсадларга эришишга имкон бермади. Масалан, кадрларни таёрлашда меҳнат бозори талабларини чуқур ўрганмаслик, ундаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги, одамларнинг ижтимоий аҳволи ва хоҳиш-истакларини етарли даражада инобатга олмаслик, мақсадлар ва уларга эришиш усул ва воситаларини самарасизлиги ва х.к.

Сўнгги йилларда, муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ташаббуси билан таълим соҳасини ислоҳ қилишга, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қарата бошланди. Бу борадаги ислохотлар “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш



тўғрисида”ги Президент Қарорларида ўз аксини топган. Мазкур қарорларда узлуксиз таълим тизимининг деярли барча турлари қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур хужжатларнинг барчасида соҳага таълим инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш, компетентлик тайёрлаш ҳамда кредит модуль тизимларини жорий этиш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд[256].

Узлуксиз таълим тизимида бўлаётган инновацион ислоҳатлар магистратура босқичини ҳам ўз ичига қамраб олган ҳолда ушбу босқич битирувчиларининг, айниқса техник мутахассислик магистрларни илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлигини ошириш каби муаммоларни ечимини излаш ва жорий қилишни тақозо қилмоқда. Техник мутахассислик магистрларни илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлигини юқори даражада бўлиши аввало замонавий ишлаб чиқариш ва бошқаришдаги содир бўлаётган инновацион ўзгаришлар билан боғлиқдир. Ушбу ўзгаришлар мутахассиснинг меҳнат фаолиятига ҳам маълум таъсирини ўтказяпти, жумладан меҳнатнинг функционал жиҳатлари ва кадриятларидаги ўзгаришлар, илмий-тадқиқот, инновацион, аналитик билим ва кўникмаларга бўлган талабни ошиши; ахборотлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг асосий фактори сифатида барча соҳаларда инсон фаолиятини интеллектуаллаштиришини юзага келиши ва бошқалар. Бундай тендецияларнинг ўзароалоқалиқлиги ва ўзаробоғлиқлиги динамик хусусиятга эгаллиги муаммони мураккаблигидан далолат беради [99, 128, 154].

Меҳнат бозорида ихтисосликлар бўйича янги касбларнинг юзага келиши ва мутахассисликлар сонини ўсиш сабаблари замонавий жамият ривожланишининг ўзига хослиги ҳисобланади. Иш берувчилар томонидан таълим сифати натижаларига талабларни кучайтирганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, узлуксиз таълимни ролини кучайтириш ва касбий шахс сифатларини ривожлантириш масалалари мураккаблашаётганлиги кузатилмоқда. Барча соҳаларда фан, техника ва ишлаб чиқариш жаддал билан ривожланётган даврда техник мутахассислик магистрларда куйидаги касбий қобилиятлар ва шахсий сифатлар талаб қилинмоқда [22, 24, 54, 70, 104, 111, 151, 206]:

- илмий фаолиятни олиб бориш ва мустақил равишда танқидий фикрлайдиган;
- касбий ва ижтимоий фаолиятида эгаллаган билимларини амалиётда самарали қўллаш олиши;
- мураккаб техник объектларни ва унга хос тизимлар билан ишлаганда ижодий ёндашиши;
- қарор чиқаришдан кўрмаслик, ишга маъулият билан ёндашиш ва олинган натижаларни жавоб беришга тайёр бўлиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, жамиятга замонавий талабларга мос келадиган, ананъавий ишлаб чиқаришни модернизация қила оладиган, касбий вазифадарини мумкин қадар қисқа муддатда самарали ечиш йўллари топа оладиган техник мутахассислик бўйича магистрлар керак.



Мавжуд магистратура таълим тизими юқорида келтирилган талабларга мос магистрларни тайёрлаш имконига маълум даражада тайер эмаслиги тадқиқотларимиз жараёнида маълум бўлди. Мавжуд тизимни таҳлил қилиш жараёнида талабларга мос магистрларни тайёрлашга салбий таъсир қилувчи бир қатор омиллар аниқланди [45, 63, 72, 123, 165, 185]. Жумладан:

- таълим жараёнида кўп фанларни ўқитилиши;
- илмий-фундаментал билимларни касбий билимлар билан ўзаро боғлиқлиги етарли даражада эмаслиги;
- бўлажак магистрларнинг таълим олиш даврида касбий, амалиётга йўналтирилган муаммоларни ечишда тажрибасини камлиги;
- таълимнинг мақсад ва мазмуни бўлажак магистрларни репродуктив фаолиятга йўналтирилганлиги;
- таълим жараёнида қўлланиладиган технологи ва ўқитиш усулларини талабларда тайёр билимларни эгаллаш қаратилганлиги;
- мустақил ва аудитория машғулотларида ахборот ресурсларидан самарасиз фойдаланилаётганлиги ва бошқ.

Техник мутахассислик магистрларни тайёрлаш дастури, мазмуни, технологияларига доир илмий-педагогик адабиётларни таҳлили уларда қўйидаги муаммолар тадқиқот қилинганлигини ҳамда ушбу таълим босқичини модернизация қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни аниқлашга имкон берди:

- IXX - XX асрларда техника ва технологияларнинг ривожланиши хозиргидек жадал бўлмаганлиги сабабли магистрларни тайёрлаш дастури, мазмуни кўп вақт ичида ўзгармай келган, яъни профессионал ва ижтимоий билимлар даврнинг катта вақти давомида ўзининг муҳимлигини йўқотмади. Шу сабабли магистрларни тайёрлашнинг анъанавий дидактик таъминоти узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш ва жамият талабларига мос келган [72, 196].

- инсон фаолиятининг барча соҳаларида жадал ривожланиш кузатилаётган даврда магистрларда нафақат шаклланган билим, кўникма ва малакалар талаб қилинади, балки профессионал ва ижтимоий мураккаб бўлган муаммоларни ечиш учун тайёр бўлган, ҳамда олган билимларини ривожлантирадиган ва қўллай оладиган мутахассислар зарурдир. Шундай қилиб, магистратура ўқув жараёни битирувчида нафақат касбий билимларни эгаллашга қаратилган бўлиш керак, балким ушбу билимларни касбий ва ижтимоий муаммоларни самарали еча олиш кўникмаларни шаклланишига қаратилиши асосий таълим тенденциялардан биридир [34, 71, 90, 115, 185];

б) магистратурада мавжуд “билим”ли таълим концепсиясида анъанавий ўқитиш мазмуни таълимнинг фан ва техниканинг эришган ютуқлари асосида шаклланган бўлиб, истиқболдаги илмий-техникавий ривожланишни ҳисобга олмайди [47, 76, 123, 194]. Бунда ҳулоса қилиш мумкинки магистратурада кечаги ва бугунги билимларни ўргатади. Тез ўзгараётган жамиятда илмий-техник тараққиётнинг ўзига хос ўсиш суръатида магистратура таълим тизими истиқболдаги бидимларга таяниш керак, магистрларда «харакатчанлик, жўшқинлик, конструктив, касбий билимларни қўллай олиш» каби сифатларини ривожлантириш керак [96; с.3];



в) илмий ва касбий ахборотлар хажмини тезлик билан ўсиб бориши ўқув жараёнида билимларни эскириб кетишига олиб келмоқда. Бундай шароитда талабага тайёр билимларни эгаллашга эмас, балким актуал билимларни топиш кўникмаларга ўргатиш муҳимдир. Меҳнат бозорида мутахассисни фақат билими эмас, балки уни касбий амалиётда қўллаш қобилияти; аниқ ижтимоий ва профессионал функцияларни бажара олиши талаб қилинмоқда [88,117];

г) кўпқиррали, мураккаб муаммоларни ечиш учун магистрларда таълимнинг анъанавий тизимида шаклланмайдиган интеграцион билимларни шакллантириш керак. Ҳар қандай реал муаммони ечиш учун тизимли ёндашиш керак, бу эса ўз урнида интегротив билимларни таъказо этади [32, 68, 101, 106, 109, 124,150];

д) олий таълимдаги кўппредметлилик ва уларнинг бир бири билан боғлиқлиги етарли даражада эмаслиги талабаларда ўрганилаётган ихтиссосликни ягона(бир бутун) кўринишда ва чуқур англашга имкон бермайди [31, 120, 141, 160, 164];

е) замонавий шароитда педагогнинг роли ўзгармоқда, Педагог кўп жиҳатдан “маслахатчи” сифатида намоён бўлиши керак. Педагогка талабага фундаментал билимларни етказиш билан бирга янги технологияларни ўзлаштиришда етишмаётган билимларни топиш ва фойдаланиш каби янги вазифалар юкланмоқда [30, 36, 44, 79, 83, 114, 166, 174, 176, 181, 204].

Профессор И.М.Ильинскийни фикрича модернизацияни моҳияти таълимни асл мақсадини англашдан, янги ўқув анжомларини яратишдан, янги илмий-профессионал билимлардан фойдаланишдан иборатдир[76].

Таълим тизимни асосий модернизациялаш жараени “билимли” концепциядан “компетентли” концепцияга ўтиш билан боғлиқдир.

Компетентли таълим, таниқли Россия олими В.В.Краевскийни фикри бўйича “таълимни инсонпарварлаштиришда юзага келадиган алоқаларни, жамият ҳаётида компетентликни фаол иштирокини тайёрлаш заруратини янги ва аниқ масалаларини акс эттиради” [90; с.34]. Фан ва ишлаб чиқаришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган таълимнинг янги концепцияси шахснинг баркамол ривожланишига, унинг ижодий қобилиятига мўлжалланган бўлиши керак.

Россия олими А.Л.Андреев таъкидлашича компонентли ёндошув “локал педагогик назария муайян ҳолатдан секин асталик билан ижтимоий муҳим ахамиятга эга бўлган таълим соҳасидаги давлат ҳамда йирик халқаро ташкилотлар ва миллий уюшмалар, хусусан Евросоюз сиёсатининг концептуал асосига айланади” [29; с.19]. Шунга ўхшаш фикрлар А.А. Андреев, В.И. Андрианов, В.П. Беспалько, В.А. Болотов, А.А. Вербицкий, Р.Х. Джураев, И.А. Зимняя, А.Х. Махмудов, Н.А. Муслимов, А.М. Новиков, В.В. Сериков, А.В. Хуторский ва бошқа олимларни ишларида акс эттирилган. Ушбу ишларнинг мазмунини тахлили ва умумлаштирилиши қўйидаги хулосаларни қилишга асос бўлади:

- олий таълимда охириги бир неча юзлар давомида ҳукумронлиқ қилаётган “билимли” концепциясига асосан ташкил этилган ўқув жараёни янги талабларга мос магистрларни тайерлаб бераолишга қодир эмас;



- мавжуд таълим тизимининг мазмунини, мақсадини, усул ва услубларини ҳамда технологияларни “компетенлик” тамойилари асосида қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо қилади[7, 13, 28, 40, 47, 48, 59, 63, 73];

- магистрларда ўқув-методик, илмий –тадқиқот ва касбий-ташкилий фаолиятга тайёрлашда илмий –тадқиқот компетенцияларини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги аниқланди.

Республикамизда магистрларини тайёрлашнинг такомиллаштириш зарурлиги қатор ҳуқуқий ва меъёри ҳужжатларда ўз аксини топган [5, 6, 7, 13, 14]. Хусусан, Харакатлар стратегияси олий таълимни ривожлантиришга ва сифатни ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ҳамда ўқитишнинг баҳолаш сифати, олий таълим муассасаларига халқаро стандартларни жорий қилиш асосида сифат ва самарадорликни ошириш бўйича масала қўйилган[6]. Иккинчидан, охириги директив ҳужжатларда таълимни компетентликка-йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик-психологик ва шахснинг ҳар томонлама ривожлантиришни шакллантириш учун шароит яратиш, замонавий жамиятдаги ўзгаришларга ҳаётда мослашиш, танловни англаш ва келгусида профессионал ва таълим дастурларини ўзлаштириш, фуқарони тарбиялаш, жамият, давлат, оила олдидаги ўзини шахсий жавобгарлини хис қиладиган авлодни тарбиялаш[5]. Учинчидан, Болонск жараёнининг асосий тамойилари билан республикамиз таълим тизимидаги амалга оширилган ташкилий-бошқарув, норматив-ҳуқуқий ислохотларни таққослашда ўхшалик ва ҳаракатларни мослиги кўзга ташланади: а) олий таълим тизимини иккита даражаси (бакалаврият ва магистратура)ни; б) олий таълимдан кейинги илмий даражани (фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc)); в) компетентлик йўналишидаги давлат таълим стандартларини яратилиши; г) мутахассисларнинг тайёргарлик сифати мониторинги тизимини (рейтинг, кредит) ва бошқ. [4, 8-12, 16].

Шундай қилиб, техник мутахассислик магистрларни илмий-тадқиқот фаолиятга тайёрлаш педагогик муаммо сифатида эътироф этиш билан бирга хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш, магистрларни тайёрлаш мазмуни, усулини, технологиясини ва таълим натижаларини ижтимоий-иқтисодий ва илмий-технологик талаблардан келиб чиқиб ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

References:

1. М.Абелкосимова “Дидактические условия развития научно-исследовательских компетенций магистров в инновационной образовательной системе”. Eurasian journal of academic research, 2(11), 528–533.
2. Махмудов А.Х. Совершенствование дидактического обеспечения компетентностной подготовки будущих магистров, дисс:... д-ра. пед. наук. – Ташкент, 2017. - 226 с.
3. Махмудов А.Х. Компетентностный подход к подготовке магистров технических специальностей (методологические и дидактические аспекты). Монография, ISBN-978-9943-10-749-6, Ташкент, 2012.- 168 с.
4. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность / А.Н.Леонтьев. - М: “Просвещение”, 1977. - 342 с.



5. Махмудов А. Х., Абелкосимова М. К. вопросу формирования готовности магистрантов к научно-исследовательской деятельности // Современное образование (Узбекистан). – 2020. – №. 1 (86).
6. Мартазаев, А. Ш., & Абелкасимова, М. Х. (2018). Статический расчет грунтовых плотин. *Science Time*, (6), 45-47.
7. Мартазаев, А. Ш., & Абелкасимова, М. Х. (2018). Проверка несущей способности изгибаемых железобетонных изделий по наклонному сечению. *Science Time*, (6), 42-44
8. Khamidovna, A. M. (2022). To the Question of Forming the Readiness of Masster Students for Scientific Research Activity. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities*, 9, 55–59. Retrieved from <https://mjssh.academicjournal.io/index.php/mjssh/article/view/475>
9. Махмудов Абдулхалим Хамидович, Абелкосимова Мухаррам Хамидовна, Системный подход к реализации цифрового обучения “Fan va jamiyatning o‘zaro ta’siri – modernizatsiya va innovatsion rivojlanish sari yo‘l” xalqaro onlayn ilmiy-nazariy konferensiyasi
10. М.Х. Абелкосимова, Техник мутахассислик магистратура йўналиши илмий-тадқиқот ишларини шакллантиришда халқаро тажрибалардан фойдаланишнинг аҳамияти. Профессинал таълим тизимида ислохотлар: малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция.